


Айюб алайҳиссаломнинг дуолари



09:40 / 28.03.2019 9124

(давоми)

«Биз Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Асбот, Ийсо, Айюб, Юнус, Ҳорун ва Сулаймонларга ваҳий юбордик» (Нисо сураси, 163-оят).

Қуръоннинг тўрт сурасида номлари тилган олинган Айюб алайҳиссаломнинг сабри барчага ибрат қилиб кўрсатилган. Аллоҳнинг танланган бандаси сифатида ваҳий юборилган Айюб алайҳиссалом оғир синовга учрайдилар. Лекин Аллоҳга бўлган мустаҳкам эътиқод, ибодатларда собитлик ва энг муҳими гўзал сабр билан бу синовдан жуда гўзал ўтганлар. Айюб алайҳиссаломнинг дуоси, У зотнинг гўзал сабри одамларга эслатма сифатида Қуръонда мақтаб васф этилган.

«Ва Айюбнинг Ўз Роббисига нидо қилиб: «Албатта, мени зарар тутди. Сенинг Ўзинг раҳмлиларнинг раҳмлигисан!» деганини эсла. Бас, Биз унинг (дуосини) истижобат қилдик. Унга етган зарарни кетказдик. Унга аҳлини, улар билан бирга яна шунчани ҳам бердик. Буни Ўз раҳматимиз ила ва обидларга эслатма бўлсин, деб қилдик» (Анбиё сураси, 83-84-оятлар).

«Сод» сурасида Айюб алайҳиссалом қиссаси шундай баён қилинган:

«Бизнинг бандамиз Айюбни эсла. Ўшанда у Роббига нидо қилиб: «Албатта, мени шайтон машаққат ва азоб ила тутди», деди. «Оёғинг ила тепгин! Бу чўмиладиган ва ичиладиган совуқ (сув). Ва Биз унга аҳлини ва яна улар билан бирга мислларичани ҳам ҳадя этдик. Бу Биздан раҳмат ўлароқ ва ақл эгаларига эслатма учун бўлди. Қўлингга бир дастани ол-да, у билан ур. Қасамингни бузма» (деди). Биз уни сабрли топдик. У қандай ҳам яхши банда. Албатта, у ўта қайтгувчидир» (Сод сураси, 41-44-оятлар).

Албатта, оламларнинг Роббиси Аллоҳ бандаларини турли йўллар билан имтиҳон қилади. Айюб алайҳиссаломни ҳам Ўзига маълум синов билан имтиҳон қилган. Шунга ўхшаш синовлар ҳаммининг бошидан ўтиши мумкин. Шундай ҳолатда қолган мўмин Айюб алайҳиссаломдан ибрат олиб, бошига тушган машаққатлар бир синов эканлиги ва Аллоҳ ҳеч кимга тоқатидан ортиқ нарсани юкламаслигини эслаб сабр қилиши лозим.

(давоми бор)

«Қуръони каримга кўра дуо» китобидан